



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**BOSH DAVLAT VETERINARIYA INSPEKTORI**

100123, Toshkent sh. Kichik halqa yo'li ko'chasi 21 a., Tel/Fax: +998 71 276 33 24, e-mail: info@vetgov.uz

№ 01/19-02

« 03 » 02 2023 у.

**Хорижий давлатлардан насли инкубацион товук тухумлари олиб  
кирилишини вақтинча чеклаш тўғрисида**

Халқаро хайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти (ОIE) нинг маълумотларига кўра паррандаларнинг юқумли грипп касаллиги бўйича дунёда эпизоотик вазият мураккаблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонуни 2 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудини четдан паррандаларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Парранда касалликлари бўйича дунёдаги мураккаб эпизоотик вазиятни инобатга олиб ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий давлатлардан насли инкубацион товук тухумларини олиб киришга (ҳалқаро транзит бундан мустасно) вақтинча чеклов ўрнатилсин.

2. Зарур ҳолларда тухум йўналишидаги насли инкубацион товук тухумларини хорижий давлатларнинг эпизоотик соғлом ҳудудларидан олиб кириш масаласи “Паррандасаноат” уюшмаси ҳулосасига мувофиқ кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда Давлат чегараси ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспекторларига:

ўрнатилган чеклов бўйича хорижий давлатлардан насли инкубацион товук тухумларини импорт қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилсин;

юрidik ва жисмоний шахсларга хорижий давлатлардан хорижий давлатлардан насли инкубацион товук тухумларини олиб келишга вақтинча чеклов ўрнатилганлиги тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

4. Мазкур қарор давлат ветеринария хизмати тизимидаги барча орган ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, муассасалар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга етказилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош  
давлат ветеринария инспектори ўринбосари А.Ақбаров зиммасига  
юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош давлат ветеринария**  
**инспектори**



**Б.Норқобилов**